

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

17-сон  
(101)  
2004 й.  
апрель

---

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

196. Ўзбекистон Республикасининг транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 1 декабрдаги ПФ-504-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 28 апрелдаги ПФ-3421-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

197. «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сон қарори
198. «Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси («Ўзбектранскурилиш»)ни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 апрелдаги 202-сон қарори [Кўчирма]
199. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сон қарори

200. «Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори [Кўчирма]
201. «Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси («Ўзэлтехсаноат» уюшмаси) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 апрелдаги 205-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

202. «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талбномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2004 йил 15 марта даги 14-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 апрелда 1343-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
203. «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4 / 20-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
204. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш хукукини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 марта даги 564-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1345-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 24 апрелдан 30 апрелгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**196** «Ўзбекистон Республикасининг транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 1 декабрдаги ПФ-504-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 1 декабрдаги ПФ-504-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 28 апрель,  
ПФ-3421-сон

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **197 Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида**

Лизинг операцияларини янада ривожлантириш, улардан корхоналарни ташкил этиш ва замонавийлаштириш учун самарали фойдаланиш, корхоналарни ракобат бардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминловчи замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар билан жихозлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **карор қиласди:**

1. Солик солинадиган даромадлар (фойда)ни аниқлашда лизингга олувчиларнинг 2009 йил 1 январгача лизингга олинган асосий воситалар бўйича жами даромадидан амортизация ажратмалари жами суммасини, шу жумладан конун хужжатларига мувофиқ тезлаштирилган усул билан хисобланган суммани чегириб ташлаш хукукига эга бўлишига доир тартиб белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ушбу қарорда белгиланган тартибга қатъий амал қиласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, 2004 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун Молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг янги хисобкитоблар режаси жорий қилинишини хисобга олган ҳолда, икки ҳафта муддатда Бухгалтерия хисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Махкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 апрель,  
199-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 26 апрелдаги 199-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

I. Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат бож-

лари ставкалари 4-бандининг «у» кичик бандига қўйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

**«Изоҳ.** Лизинг объектининг лизинг берувчи талаби бўйича ижро хатлари ёзиб беришда, лизинг шартномасида белгиланган тўланмаган тўловлар суммасидан лизинг шартномаси муддати тугашигача қолган даврга лизинг берувчи даромадини чегирган ҳолда давлат божи ундирилади».

II. Вазирлар Махкамасининг «Автомотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига 1-иловада:

а) II бўлим 16-бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Юридик шахслар транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этадилар»;

б) V бўлим 1-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш» сўзларидан кейин «лизинг, сублизинг» сўзлари қўшилсин;

в) қўйидаги мазмундаги VII бўлим қўшилсин:

### **«VII. Лизинг объекти ҳисобланган транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш**

1. Жисмоний шахс ёки юридик шахс томонидан мулк сифатида сотиб олинган ва жисмоний шахс ёки юридик шахсга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш хукуки билан лизинг шартномаси ёки сублизинг шартномаси асосида берилган транспорт воситалари, лизингга берувчи номига ёки лизингга олувчи номига томонларнинг ёзма битими бўйича (белгиланган намунадаги бланкаларда) рўйхатдан ўтказилади.

2. Лизингга берувчи номига транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш умумий асосларда лизинг берувчи жойда амалга оширилади.

3. Лизингга берувчи томонидан лизингга олувчига лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказиши назарда тутувчи лизинг ёки сублизинг шартномасига асосан вақтинчалик эгалик ва фойдаланиш хукуки берилган транспорт воситалари шартнома амал қилиш муддатига лизингга олувчининг жойлашган жойи бўйича қўйидагиларга асосан рўйхатдан ўтказилади:

лизингга берувчининг транспорт воситаларига мулк эгаси хукукини тасдиқловчи хужжатлар (олди-сотди шартномаси, маълумотнома-ҳисоб рақами ва / ёки давлат ордери ва бошқалар);

лизинг ёки сублизинг шартномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси (агар транспорт воситаси илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган тақдирда);

транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кирилганда — божхона органлари томонидан берилган тегишли хужжатлар;

лизингга олувчининг, агар у юридик шахс бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Транспорт воситаларини лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказиш лизинг ёки сублизинг шартномасида ёхуд транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кирилганда божхона органлари томонидан берилган хужжатларда кўрсатилган муддатга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган ҳолда амалга оширилади. Бунда лизингга берувчининг рухсатисиз транспорт воситалари ҳисобдан чиқарилмайди.

5. Транспорт воситаларини лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказиша бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг «Мухим белгилар» устунига «Лизинг, вақтинча хисобда туриши \_\_\_\_\_гача» ёзуви ёзилади ва транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш муддатининг тамом бўлиш санаси кўрсатилади, лизинг (сублизинг) шартномасининг тартиб рақами ва шартноманинг тузилган санаси қўйилади.

6. Лизинг шартномаси муддати тугагач лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаси белгиланган тартибда хисобдан чиқарилади. Транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек транспорт воситаларини хисобдан чиқаришга асос бўлган хужжатлар тикиб қўйилади ва хужжатлар белгиланган тартибда сақланади.

7. Транспорт воситаларига мулк эгаси хукуки лизингга олувчига ўтишини назарда тутувчи лизинг шартномаси асосида лизингга берувчи ёки лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари транспорт воситасига мулк эгаси хукуки лизингга олувчига ўтиши тўғрисида лизингга берувчининг ёзма тасдиғи ва лизинг шартномаси асосида лизингга олувчи номига қайта рўйхатдан ўтказилади.

8. Транспорт воситаларига мулк эгаси хукуқининг лизингга олувчига ўтишини назарда тутмайдиган лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагач транспорт воситалари хисобдан чиқарилиши ва фақат кўрсатилган транспорт воситаларига мулк эгаси хукуки лизингга олувчига ўтишини тасдиқловчи тегишли хужжатлар асосида лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

9. Лизинг шартномаси бекор қилинганда ва лизингга олувчи номига рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари лизингга берувчига қайтарилганда, кўрсатилган транспорт воситалари лизингга берувчи ва лизингга олувчининг биргаликдаги ёзма аризаси ёки суд органлари ёки бошқа органларнинг ижро хужжати нусхаси илова қилинган ҳолда лизингга берувчининг ёзма аризаси асосида лизингга берувчига қайта расмийлаштирилади. Лизинг шартномасининг муддати тугаганда уни ўз вақтида қайта рўйхатдан ўтказилиши учун лизингга берувчи ҳам, лизингга олувчи ҳам жавоб беради»;

г) VII бўлим VIII бўлим деб хисоблансан.

III. Вазирлар Маъқамасининг «Норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарорида:

а) қарорнинг тўртинчи хатбоши ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

б) 1-илованинг 8-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«8. Лизингга берувчи номига импорт бўйича келувчи товарларни божхонада расмийлаштиришда декларант ёки божхона брокери уларни конун хужжатларига мувофиқ талаб қилинадиган хужжатлар билан бирга божхона органига тақдим этади».

IV. Вазирлар Маъқамасининг «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 1-сон, 4-модда) иловага қўйидаги мазмундаги XI бўлим қўшилсан:

#### **«XI. Лизингга олувчидан қарзни ундириш ва лизинг объектини талаб қилиб олиш**

15. Лизингга олувчининг қарзини тасдиқловчи хужжатлар.

Ижро хатларини олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) қарзни ундириш ва/ёки лизинг объектини талаб қилиб олишни амалга

оширишга асос бўладиган лизинг шартномасининг асл нусхаси;

б) лизингга олувчининг лизингга берувчи олдиаги қарзини тасдиқлайдиган икки томонлама таққослаш далолатномаси;

в) лизингга олувчининг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хатининг нусхаси».

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг «Ўзватойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 6-иловада:

7-банднинг «а» кичик бандидаги «мазкур банднинг «б», «в», «г», «д», «ж» кичик бандларида» сўзлари «мазкур банднинг «б», «в», «в<sup>1</sup>», «г», «д», «ж» кичик бандларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандга куйидаги мазмундаги «в<sup>1</sup>» кичик банди қўшилсин:  
«в<sup>1</sup>) асосий фаолияти лизингга мол-мулк тақдим этиш бўлган корхоналар томонидан маблағларидан — лизинг бўйича даромадлари (фоизлари) суммасидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади»;

31-бандга куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:  
«лизинг ёки сублизинг шартномаси бўйича — шартномада қайтариб олиш қийматини тўламасдан автотранспорт воситасига мулк эгаси хукуки ўтиши назарда тутилган тақдирда ва барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда, лизингга олувчилар».

VI. Вазирлар Мажкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йигимлар ставкалари» номли 20-илова жадвалидаги 5-бандга куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Асосий фаолияти лизингга мол-мулк тақдим этиш бўлган корхоналар томонидан маблағлар ажратиш — лизинг бўйича даромад (фоизлар) суммасидан».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАЖКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **198 Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхонала-ри уюшмаси («Ўзбектрансқурилиш»)ни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида**

#### **[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллашибдириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Мажкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси («Ўзбектрансқурилиш») қатнашчилари умумий йигилиши томонидан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

2. «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмасини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага\* мувофиқ таркибда ишчи комиссия ташкил этилсин.

3. Ишчи комиссия:

«Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмасини конун хужжатларида белгиланган тартибда тугатиш чора-тадбирларини амалга оширсин;

тугатилаётган «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси таркибига кирган корхоналарда бошқарув ходимлари сонини Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига мувофиқ қисқартирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишчи комиссия билан биргаликда «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси тугатилиши муносабати билан ишдан бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 28 апрель,  
202-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 28 апрелдаги 202-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси («Ўзбектрансқурилиш») фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1993 йил 8 февралдаги 65-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишни бошқариш ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 28 ноябрдағи 500-сон қарорига 3 ва 4-иловалар.

\* 1-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **199 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
203-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 29 апрелдаги 203-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 марта гаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларининг 1-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси консуллик йигимлари тарифига изохларнинг 6-банди қўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларидан (уларнинг оила аъзоларидан), Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган матбуот вакилларидан (уларнинг оила аъзоларидан), мурувват ёрдамини кузатиб борувчи хорижий фуқаролардан, шунингдек 16 ёшгача бўлган болалардан консуллик йигимлари ундирилмайди. Кўрсатиб ўтилган шахслар визаларни расмийлаштириш ва бериш бўйича консуллик ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа йигимларни тўлашдан ҳам озод қилинадилар».

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

3. Вазирлар Мажкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида» 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) 2-илованинг 17-бандида:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлари ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ходимларига»;

куйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига аккредитация қилинган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга карашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларига».

4. Вазирлар Мажкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорида:

а) Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби»да (1-илова):

3-банднинг «а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга карашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларига (ва уларнинг қарамогида бўлган уларнинг оила аъзоларига), шунингдек Ташки ишлар вазирлигига аккредитация қилинган матбуот вакилларига ва уларнинг қарамогида бўлган уларнинг оила аъзоларига»;

6-банднинг «а» кичик бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга карашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар визалар олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатлар консуллик муассасаларига икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифнома ва миллий паспортни ёки унинг ўрнини босадиган хужжатни (кейинги ўринларда матнда «миллий паспорт» деб юритилади) илова қилган ҳолда мурожаат қиласидар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган хорижий фуқаролар — халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга карашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аккредитация кар-

точкаси асосида виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиласидилар.

Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари хорижий фуқароларга таклифномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига виза берилишида ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимоснома берганларидан кейингина юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг ёзма мурожаатларини кўриб чиқади ва чет элдаги консуллик муассасаларига тегишли кўрсатмалар юборади.

Юридик шахсларнинг таклифномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига контракт ва шартномалар бўйича уч ойдан ортиқ муддатга ишга келаётган хорижий фуқароларга визалар бериш белгиланган тартибга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан хорижий фуқарога берилган меҳнат фаолиятига бўлган ҳукукни тасдиқловчи хужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий фуқаролар — халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган матбуот вакиллари ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг аккредитация карточкиси асосида визаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиласидилар.

Виза бериш хужжатларини кўриб чиқиш ва хорижий фуқарога келиш визасини расмийлаштириш муддати 10 суткадан ошмаслиги керак;

б) Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларида (2-илова):

3-банддаги «дипломатик корпус ҳамда доимий хорижий ваколатхоналар» сўzlари «хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари» сўzlари билан алмаштирилсин;

14-банднинг «в» кичик бандидаги «халқаро ташкилотлар» сўzlари «халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат автомобиль назорати» сўzlари «Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Махкамасининг «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг хисобини олиб бориш, миллий давлат раками белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбоидаги «халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар» сўзлари «халқаро ва хорижий ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловада:

илова номидаги «халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар» сўзлари «халқаро ва хорижий ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хатбоидаги ва 3-банднинг иккинчи хатбоидаги «дипломатик, консуллик карточкаси» ва «дипломатик карточкалар» сўзлари тегишли равишда «аккредитация карточкаси» ва «аккредитация карточкалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Чет эл дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро банклар, халқаро ва хорижий нотижорат ташкилотларнинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига тегишли транспорт воситаларига бериладиган давлат рақами белгилари.

«Т» серияли махсус рақам белгилари элчихона, консуллик ваколатхонаси ёки халқаро банклар, халқаро ва хорижий нотижорат ташкилотларнинг сўров хати ҳамда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёки Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат асосида берилади. Шахсий автомобилларга «Т» серияли рақам белгиларини олиш учун тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан берилган аккредитация карточкаси тақдим этилади»;

6-банднинг учинчи хатбоидаги «ички ишлар органларида қайд этилган миллий паспорт» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган аккредитация карточкаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Махкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистонда мурувват ёрдами кўрсатувчи халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган хорижий ташкилотлар ваколатхоналари ва филиаллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Ижтимоий комплексининг хulosasi халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган хорижий ташкилот ваколатхонаси ёки филиалини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун асос хисобланади».

7. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 30-банднинг иккинчи хатбоидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган хорижий ташкилотлар ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига рўйхатдан ўтказилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига белгиланган тартибда аккредитация қилинган халқаро ва хорижий ташкилотлар ходимлари — тегишли равишда Ташқи ишлар вазирлиги ёки Адлия вазирлиги томонидан аккредитация қилинганилиги тўғрисида белги қўйилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда):

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «197» ва «146» рақамлари тегишли равишда «202» ва «151» рақамлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

7-банд 8-кичик бандининг иккинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар, сиёсий партиялар)ни, ҳалқаро ва хорижий нодавлат (хукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказади, кўрсатиб ўтилган ваколатхоналар ва филиалларнинг хорижий давлатлар фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитациядан ўтказади»;

9-бандга кўйидаги мазмундаги 28<sup>1</sup>-кичик банд қўшилсин:

«28<sup>1</sup>. Ҳалқаро ва хорижий нодавлат (хукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотлар ваколатхоналари ва филиалларининг ходимларини, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари бузилган холларда аккредитациядан маҳрум қилиш»;

4-иловада «Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармаси» устуnidаги «8» рақами «13» рақами билан, «197» ва «146» рақамлари эса тегишли равишда «202» ва «151» рақамлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

# **200 Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва со- тишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбир- лар тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, тақсимлаш, ташиш ва сотишни назорат қилиш самарадорлигини ошириш, унинг ўйқолиши, ўғирланиши холларига, портловчи моддаларни яширин тайёрлаш учун ундан компонент сифатида фойдаланиш имкониятига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Белгилаб қўйилсинки, аммиакли селитрани қишлоқ хўжалиги ва технология эҳтиёжлари учун:

экспортга етказиб бериш — минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан, тузилган контрактларга мувофиқ;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериш — «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари орқали, тузилган шартномалар асосида;

аммиакли селитрадан технология эҳтиёжлари учун фойдаланадиган корхоналарга етказиб бериш — минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

Аммиакли селитра биржа савдоларида ва чакана савдода сотиладиган маҳсулотлар ва товарлар рўйхатидан чиқарилсан.

Аммиакли селитрани минерал ўғитлар сотишнинг оралиқ шоҳобчалари орқали сотиш тақиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг «2004 йилда Республика қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 34-сон қарорига 2-илованинг 1.1-бандидаги «қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бошқа маҳсулотлар етказиб бериш» кичик бандида кўрсатилган аммиакли селитра ҳажмлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан давлат билан шартномавий мажбуриятларга эга бўлмаган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали, шартномалар асосида, 100 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан ва етказиб беришнинг ҳар ойлик жадвалларига биноан сотилади.

5. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (F.I. Иброҳимов) 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрловчи корхоналарда аммиакли селитрани (унинг суюқ эритмаларидан ташқари) қадоқлашни ва тегишли равишда маркалашни ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширасин.

6. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Б. Бегалиев), «Ўзагромашсервис» ўюшмаси (Ш.Н. Нишонов) «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (F.I. Иброҳимов) Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимларлири билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар солиш ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини қўлланиш бўйича сервис хизматлари кўрсатувчи ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисида таклифларни ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Б. Бегалиев) қишлоқ хўжалиги экинлари турлари бўйича аммиакли селитрани сарфлаш нормаларини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, улар асосида тегишли тавсияномаларни тайёрласин ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) 3-иловасига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгashi Котиби Р.Э. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 март  
204-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва  
материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг  
бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»  
2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори З-иловасига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 46-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Минерал ўғитларни сотишнинг мазкур тартиби давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига аммиакли селитра сотишга татбиқ этилмайди».
2. 47-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига аммиакли селитра сотиш «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари томонидан, ярмарка савдолари ўtkazilmasdan amalga oshiriladi».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**201 Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва  
асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси («Ўзэл-  
техсаноат» уюшмаси) фаолиятини такомиллаштириш тўғри-  
сида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ва радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик тармоқларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар:  
1-иловага мувофиқ корхоналар «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси қатнашчилари хисобланиши;  
уюшманинг фаолияти унинг таркибига киравчи корхоналар, ташкилотларнинг ихтиёрий ажратиладиган маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилиши;
2. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ижро этувчи органининг ҳукуқлари, функциялари, жавобгарлиги ва вазифалари унинг қатнашчиларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси қатнашчиларининг қўйидагилар уюшманинг асо-

сий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланиши ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноатини баркарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташки бозорларда ракобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришида кўмаклашиш;

уюшма қатнашчилари бўлган корхоналарга ресурс ва энергияни тежовчи самарали технологияларни жорий этишда, буюмлар ва бутловчи материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантиришда, корхоналарни замонавийлаштириш ва технология билан қайта жихозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда ёрдам кўрсатиш;

корхоналарга ахборот хизматлари кўрсатиш, муҳандис-техник ва бошқарув ходимлари менежментнинг замонавий усусларини ва бозор шароитларида ишлашни эгаллаб олишлари мақсадида уларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишда кўмаклашиш.

3. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган умумий сони 33,5 штат бирлиги, шу жумладан бошқарув ходимлари 22 киши бўлган унинг бошқарув ижро этувчи аппарати тузилмаси 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибида кирувчи корхоналарнинг устав сармояларида акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш тўғрисидаги шартномаларни улар танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунгача узайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

5. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси икки ой муддатда қатнашчиларнинг умумий йиғилишини ўтказсин, уюшманинг янги таҳиррдаги уставини тасдиқласин ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси республикага олиб келинаётган радиоэлектроника, электротехника, асбобсозлик товарлари тўғрисида, уларни уюшма корхоналарида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун мунтазам ахборот олишда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига кўмаклашсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзэлтехсаноат» Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 17 мартағи 144-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
205-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 30 апрелдаги 205-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси қатнашчилари бўлган корхоналар  
рўйхати\***

**I. Кабель-сим маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ва янги  
материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар**

1. «Ўзкабель» давлат-акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
2. «Андижонкабель» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Хонобод шахри
3. «Космос Ориентал Инвестмент ЛТД» хорижий компаниянинг (Гонконг) «Вика Энтерпрайз» шўйба корхонаси (Тошкент шахри)
4. «Дойче Кабель АГ Тошкент» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, Тошкент шахри
5. «Спектр» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Тошкент шахри
6. «Ўзгласзайден» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси, Тошкент шахри

**II. Паст вольтли аппаратлар, шцит қурилмалари, лифтлар ва халқ  
истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар**

7. «Ўзэлектроаппарат» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
8. «Реле ва автоматика» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
9. «SABEN» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
10. «Самарқанд лифтқурилиши заводи» очик акциядорлик жамияти, Самарқанд шахри
11. «Элга-Осиё» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Тошкент шахри
12. «Тошэлектроаппарат» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси, Тошкент шахри

**III. Электрон техника, приборлар, алоқа аппаратлари ва халқ  
истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар**

13. «Фотон» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
14. «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
15. «Оникс» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
16. «Элекор» очик акциядорлик жамияти, Тошкент шахри
17. Давлат микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Тошкент шахри
18. «Кварк» давлат илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Тошкент шахри
19. «Фотон» давлат тажриба-конструкторлик бюроси, Тошкент шахри
20. «УМТ-Радио» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, Тошкент шахри

---

\* Уюшма унинг қатнашчиларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиради.

21. «СМГ-Оникс» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси, Тошкент шаҳри

**IV. Куч трансформаторлари, электротермик асбоб-ускуналар ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар**

22. «Трансформатор» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри

23. «Ўзэлектротерм» очиқ акциядорлик жамияти, Наманган шаҳри

24. «Тошэлектромаш» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри

25. «Электромаш» очиқ акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри

26. «Сино» очиқ акциядорлик жамияти, Самарқанд шаҳри

27. «Кинап» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд шаҳри

**V. Сервис хизмати кўрсатадиган корхоналар**

28. «Электроремонт» очиқ акциядорлик жамияти, Навоий шаҳри

29. «Анзис» очиқ акциядорлик жамияти, Андижон вилояти, Асака шаҳри

30. «Компьютер-Спектр» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри

31. «Электроника» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри

32. «Электротаъмир» масъулияти чекланган жамият, Самарқанд вилояти, Чарогон поселкаси

33. «Ҳисоблаш техникасини таъмиrlаш ва техник хизмат кўрсатиш» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри

34. «TC-Технология» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, Тошкент шаҳри

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 30 апрелдаги 205-сон қарорига  
2-ИЛОВА


### «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ташкилий тузилмаси

#### «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси

I. Кабель-сим маҳсулотлари, халқ иsteммөл товарлари ва янги материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар	II. Паст вольтли аппаратлар, шчит қурилмалари, лифтлар ва халқ иsteммөл товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар	III. Электрон техника, приборлар, алоқа аппаратлари ва халқ иsteммөл товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар	IV. Куч трансформаторлари, электротермик асбоб-ускуналар ва халқ иsteммөл товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар	V. Сервис хизмати кўрсатадиган корхоналар
1. «Ўзкабель» давлат-акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	7. «Ўзэлектроаппарат» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	13. «Фотон» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	22. «Трансформатор» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	28. «Электроремонт» очиқ акциядорлик жамияти, Навоий шаҳри
2. «Андижонкабель» очиқ акциядорлик жамияти кўшма корхонаси, Хонобод шаҳри,	8. «Реле ва автоматика» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	14. «Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	23. «Ўзэлектротерм» очиқ акциядорлик жамияти, Наманган шаҳри	29. «Анзис» очиқ акциядорлик жамияти, Андижон вилояти, Асака шаҳри
3. «Вика Энтерпрайз» шўъба корхонаси, Тошкент шаҳри	9. «SABEN» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	15. «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	24. «Тошэлектромаш» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	30. «Компьютер-Спектр» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
4. «Дойче Кабель АГ Тошкент» очиқ акциядорлик жамияти кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри	10. «Самарқанд лифт-курилиши заводи» очиқ акциядорлик жамияти, Самарқанд шаҳри	16. «Элекор» очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри	25. «Электромаш» очиқ акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти, Кўйон шаҳри	31. «Электроника» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
5. «Спектр» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри	11. «Элга-Осиё» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри	17. Микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳри	26. «Сино» очиқ акциядорлик жамияти, Самарқанд шаҳри	32. «Электротаъмири» масъулияти чекланган жамият, Самарқанд вилояти, Чарогон поселкаси
6. «Ўзглассайден» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри	12. «Тошэлектроаппарат» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри	18. «Кварю» илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Тошкент шаҳри	27. «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд шаҳри	33. «Ҳисоблаш техникасини таъмирилаш ва техник хизмат кўрсатиш» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
		19. «Фотон» тажриба-конструкторлик бюроси, Тошкент шаҳри		34. «TC-Технология» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри
		20. «УМТ-Радио» масъулияти чекланган жамият кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри		
		21. «СМГ-Оникс» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳри		

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 30 апрелдаги 205-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ижро этувчи аппарати тузилмаси



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ БҮЙРУФИ

### **202 Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
29 апрелда 1343-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 9 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Конунига мувофиқ **буюраман**:

1. Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Қоидалар кучга кирган санадан эътиборан Фан ва техника давлат комитети раиси томонидан 1997 йил 15 августда тасдиқланган Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг гувоҳномаси берилиши учун талабномани тузиш қоидалари (1997 йил 10 сентябрь, рўйхат рақами 366-сон) ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вактдан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 март,  
14-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**203 Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
30 апрелда 1344-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 10 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» Конунининг 3, 7, 17 ва 51-моддаларига асосан Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низом» иловага\* муовфика тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 февраль,  
4/20-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**204 Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-  
нинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга  
олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-  
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
30 апрелда 1345-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 10 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрядаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида низом» иловага\* мувофик тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
564-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2004 йил 24 апрелдан 30 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2004 йил 15 марта ги 14-сонли буйруғи.

**2004 йил 29 апрелда 1343-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 майдан кучга киради).**

2. «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чақариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4 / 20-сонли қарори.

**2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 10 майдан кучга киради).**

3. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 1 марта ги 564-сонли қарори.

**2004 йил 30 апрелда 1345-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 10 майдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг гувохномаларини бериш учун талабномаларни тузиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (10.09.1997 й., рўйхат рақами 366-сон).

**Адлия вазирининг 2004 йил 29 апрелдаги 98-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**